



A NEW TREND TOWARDS THE EMERGENCE OF WAVES OF PUBLIC DISCONTENT IN THE WORLD

Boburjon Khakimovich Khasanov

Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophical Sciences

Independent Researcher at the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

E-mail: sherzodxamrayev1990@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: crisis, uprising, protest, crowd, society, sociology, public mood, political and social situation, polotic.

Abstract: This article shows that social tension has appeared in various societies after the trials that have befallen humanity since the beginning of the 21st century, as well as the crises that await humanity in the future are described by international expert organizations.

Received: 01.11.25

Accepted: 02.11.25

Published: 03.11.25

ДУНЁДА ЖАМОАТЧИЛИК НОРОЗИЛИК ТЎЛҚИНЛАРИ ПАЙДО БЎЛИШИНИНГ ЯНГИЧА ТЕНДЕНЦИЯСИ

Бобуржон Хакимович Хасанов

Мустақил изланувчиси, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат сиёсати ва бошқарув Академияси

sherzodxamrayev1990@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: жамоатчилик, инқироз, кўзғалон, норозилик, оломон, жамият, социология, омма кайфияти, сиёсат-ижтимоий вазият, сиёсат..

Аннотация: Ушбу мақолада ХХІ аср бошидан инсоният учун келган синовлар ортидан турли жамиятларда ижтимоий тарангликлар пайдо бўлганлиги кўрсатилиб, халқаро эксперт ташкилотлар томонидан инсониятни келгусида қутаётган инқирозлар тўғрисида баён қилинган.

НОВАЯ ТЕНДЕНЦИЯ К ВОЗНИКНОВЕНИЮ ВОЛН ОБЩЕСТВЕННОГО НЕДОВОЛЬСТВА В МИРЕ

Бобуржон Хакимович Хасанов

Доктор философии (PhD) по философским наукам

Самостоятельный исследователь Академии государственного управления

при Президенте Республики Узбекистан,

sherzodxamrayev1990@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: общество, кризис, восстание, протест, толпа, общество, социология, общественные настроения, политико-социальная ситуация, политика.	Аннотация: В данной статье показаны, что социальная напряженность появилась в различных обществах после испытаний, постигших человечество с начала XXI века, а также кризисы, которые ждут человечество в будущем, описаны международными экспертными организациями.
---	--

Кириш. Жамоатчилик норозиликларни келтириб чиқарувчи омилларни умумий таҳлил қилиб айтганда, уларнинг фақат биттаси ёки аксинча бир нечтаси комплекс тарзда норозиликларни вужудга келтиришга сабаб бўлиши мумкин. Жаҳон тажрибасида бўлиб ўтган жамоатчилик норозиликларнинг тарихига назар ташласак, аксарият ҳолларда қайсидир омил юқори ўринда турган бўлсада, лекин норозиликлар аланга олишига қўшимча омиллар ҳам ўз таъсирини ўтказиб келган. Шунингдек, жамоатчилик норозиликларда ҳар доим учинчи томон манфаатлари ёки уларнинг салбий таъсири мавжуд бўлиб, шунинг учун ҳам уни бартараф қилишда яқка давлатнинг ўзи бирон самарали натижага эришиши жуда мураккаб жараён ҳисобланади.

Жамоатчилик норозиликларни олдини олиш билан боғлиқ муаммолар кўп жиҳатдан ушбу йўналишда давлат ҳокимияти ва жамоатчилик органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилмагани, қонунчилик базасидаги айрим камчиликлар оқибатида пайдо бўлмоқда дейиш мумкин. Республика ҳудудларида рухсат этилмаган норозилик намойишлари сонининг ортиб бориши, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги камчиликларнинг сақланиб қолиши жамоатчиликнорозилик намойишларнинг келиб чиқиш эҳтимолини оширади.

Жамоатчилик норозиликларни келтириб чиқарувчи энг катта сабаб бу - кўпчилик аҳолининг ўз ижтимоий ҳаётидан норозилиги ва омманинг давлат ҳокимиятига бўлган салбий кайфияти ҳисобланади. Ташқи кучлар исталган вақтда ҳаёт тарзидан норози бўлган салбий кайфиятдаги оломонни провокация йўли билан тартибсизликлар келтириб чиқаришга ундаши мумкин.

Жаҳон иқтисодий форуми ҳисоботида кўра, яқин бир йилда энергия инқирози, яшаш харажатларининг ўсиши, озиқ-овқат тақчиллиги, узоқ ва ўрта истиқболда эса табиий офатлар, иқлим, ресурслар инқирози ҳамда улар келтириб чиқарадиган ижтимоий-иқтисодий таназул ва беқарорлик жиддий хавф туғдириши мумкинлиги тўғрисида мақола чоп этилган [1].

Унга кўра қуйидаги таҳлилий маълумотлар кўрсатилган.

XXI асрнинг навбатдаги ўн йиллиги мутлақо кутилмаган (эхтимол, мутлақо кутилган) ҳодисалар билан, ғавқулдда оғир бошланди. Даставвал 2020 йилги коронавирус пандемияси келтириб чиқарган иқтисодий инқироз ва унинг бошқа кўринишдаги салбий оқибатлари жаҳондаги барқарорликка путур етказди. 2021 йилда вакцинациянинг жадаллашуви ҳамда қамровининг ортиб бориши ортидан вирус аста-секин ортга чекиниб, пандемия билан боғлиқ қатъий чекловлар юмшатила бошланди ва қисқа муддатли турғунликдан сўнг, дунё иқтисодиётининг қайта тикланиши борасидаги прогнозлар реал воқеликка яқинлаша борди.

Иқтисодий тебраниш ва инқирозлар, сиёсий кескинлик ва талотўплар, ижтимоий норозилик ва тартибсизликлар, иқлим инқирозларининг жадаллашган оқибатларига бой бўлган 2022 йил глобал иқтисодиёт ва барқарорликка қаттиқ зарба берди. Бу, ўз навбатида, келгусидаги глобал хавф-хатарлар билан боғлиқ фаразларда кескин ўзгариш ва силжишларга сабаб бўлди.

Жаҳон иқтисодий форуми (WEF)нинг глобал хавф-хатарларга бағишланган 2023 йилги (Global Risks 2023) ҳисоботи эълон қилинди. Ҳисобот дунё бўйлаб 1200 дан зиёд турли соҳа илм - фан, ҳукумат, бизнес, халқаро ҳамжамият ва фуқаролик жамияти - вакилларида иборат экспертлар томонидан тайёрланган бўлиб, инсоният бугун ва яқин келажакда юзлашиши кутилаётган хавф-хатарлар глобал рискларга бағишланган.

Тадқиқотда глобал рисклар учта даврда: ҳозирги кунда намоён бўлаётган рисклар (1), яқин икки йилда (2) ва яқин ўн йилда энг оғир оқибатларга олиб келиши кутилаётган рисклар сифатида баҳоланган. Намоён бўлиш соҳасига кўра улар иқтисодий, атроф-муҳит, геосиёсий, ижтимоий ҳамда технологик риск тоифалари бўйича ажратилган.

WEF тадқиқоти натижаларига кўра [2], 2023 йилда глобал миқёсда оғир оқибатлар яратиши мумкин, деб топилган рисклар етакчи бешталигидан «Энергия таъминоти инқирози», «Яшаш харажатлари инқирози», «Ўсиб бораётган инфляция», «Озиқ-овқат таъминоти инқирози» ҳамда «Муҳим инфратузилмага қаратилган киберхужумлар» ўрин олган. Мазкур рискларнинг аксарияти Украинадаги уруш натижасида кучайган. Бундан ташқари, экспертлар орасида net-zero [3] (атмосферага иссиқхона газлари ажралиши кўрсаткичини имкон қадар нолга яқинлаштириш) мақсадларига эриша олмаслик,

иқтисодий сиёсатнинг қуроллашуви, инсон ҳуқуқларининг заифлашуви, қарз инқироzi, нооziқ-овқат таъминот занжирларининг ишдан чиқиши ҳамда, нисбатан кам сонли респондентлар томонидан эътироф этилган бўлса-да, ядровий, кимёвий ва биологик қуролларнинг шай ҳолга келтирилиши билан боғлиқ хавотирлар мавжуд.

WEFнинг қайд этишича, дунё ҳамжамияти «янги нормаллик», яъни бирламчи эҳтиёжлар - озиқ-овқат, энергия, хавфсизлик - билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш кун тартибига қайтиши зарур.

Бироқ, юқорида келтирилган рисклар глобал пандемия келтириб чиқарган соғлиқни сақлаш ва иқтисодиётдаги турғунлик, технологик қуролланиш пойгасининг кучайиши натижасида янада чуқурлашиб бормоқда.

Яшаш харажатлари инқироzi - респондентлар томонидан келгуси икки йилда энг оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган риск сифатида баҳоланган бўлиб, у бошқа энг кучли таъсирга эга бўлган рисклар билан сабаб-оқибат занжири орқали бевосита боғлиқлиги нуқтаи назаридан ҳам алоҳида эътиборга молик. Энг бирламчи ва доимий эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган товарлар - озиқ-овқат ва уй-жой нархлари пандемиядан олдинги даврдаёқ кўтарила бошлаган эди. Жаҳон банки мутахассисларининг маълум қилишича, 2023 йилда энергия нархлари ўртачадан 46 фоиз юқори даражада сақланиб қолиши кутилмоқда.

Яшаш харажатлари инқироzi қисқа муддатли риск деб баҳоланганига қарамай, унинг оқибатида аҳолининг энг заиф қатламлари бирламчи эҳтиёжларини қондириш имкониятидан маҳрум бўлишлари мумкин. Хусусан, инфляциянинг юқори суръатларда ўсиши пенсия ёшидаги аҳоли қатламига ҳам таъсир ўтказмай қолмайди. Қолаверса, озиқ-овқат, энергия ва уй-жой нархларининг ўсиши аҳолининг реал даромадларини пасайтириб, энг бирламчи эҳтиёжлар учун сарф-харажатлар ўртасида танлов қилиш зарурати олдида танг қолдириши, натижада жамиятда саломатлик ва фаровонлик даражаси пасайиб кетиши мумкин. Бу, ўз навбатида, жиддий ижтимоий норозилик ва сиёсий беқарорликни келтириб чиқаради. Масалан, биргина ёқилғи нархларининг ортиши 2022 йилда тахминан 92 та давлатда ижтимоий норозиликларни келтириб чиқарди. Мазкур норозиликлар тўлқинининг аксарияти сиёсий беқарорлик ва инсоний йўқотишлар билан якун топди.

Тадқиқот натижаларига кўра, яшаш харажатлари инқироzi қисқа муддат - 2025 йилгача бўлган даврда ҳам ўз долзарблигини йўқотмайди ва энг таҳликали глобал рисклар дастлабки ўнталигидаги етакчилигини сақлаб қолади. Яқин икки йилликда энг оғир оқибатларга олиб келиши мумкин, дея баҳоланган рисклар орасида асосий ўринни атроф-муҳит билан боғлиқ рисклар ҳамда ижтимоий рисклар эгаллаган.

Қисқа муддат — яқин 2 йилда энг оғир оқибатларга олиб келиши кутилаётган рисклар рейтинги		
1.		Яшаш харажатлари инқирози
2.		Табиий офатлар ва экстремал об-ҳаво
3.		Геоиктисодий қарама-қаршилик
4.		Иқлим ўзгаришини юмшатиш билан боғлиқ муваффақиятсизлик
5.		Ижтимоий ҳамжиҳатликка путур етиши ва жамиятнинг турли қутбларга ажралиши
6.		Атроф-муҳитга кенг миқёсда зарар етказиш билан боғлиқ ҳодисалар
7.		Иқлим ўзгаришларига мослашиш билан боғлиқ муваффақиятсизлик
8.		Кенг тарқалган кибержиноятчилик ва кибер хатарлар
9.		Табиий ресурслар инқирози
10.		Кенг қўламли исталмаган миграция

«Иқлим ўзгаришини юмшатиш билан боғлиқ муваффақиятсизлик» қисқа муддатли даврда энг таҳликали рисклар қаторида эътироф этилган. Қолаверса, унга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирлар тадқиқотнинг 70 фоиз респондентлари томонидан «самарасиз» ёки «юқори даражада самарасиз» деб баҳоланган. WEF'нинг қайд этишича, бу мазкур риск келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларга тайёр эмаслигимизни кўрсатади. Тошқинлар, иссиқ ҳаво оқимлари, курғоқчилик ва бошқа кўринишдаги экстремал об-ҳаво билан боғлиқ ҳодисаларнинг тез-тез такрорланиши ва талафот даражаси ортиши натижасида бундан тобора кўпроқ инсонлар жабр кўриши мумкин. Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва уларга мослашиш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг самарасизлиги ёки ортга сурилиши табиий офатлар рискининг долзарблигини янада оширади.

Жаҳондаги геосиёсий кескинликлар ва иқтисодий босимлар иқлим ўзгаришини юмшатишга қаратилган ҳаракатларга тўсқинлик қилмоқда ва уларнинг самарадорлигини пасайтирмоқда. Айрим ҳолларда эса иқлим ўзгаришини юмшатишда ортга қадам ташлаш ҳолатлари кузатилмоқда. WEF'га кўра, Европа Иттифоқи 2022 йилда ёқилғи қазиб олиш соҳасида янги инфратузилма объектларини қуриш ва мавжудларини кенгайтириш ҳамда таъминот учун камида 50 миллиард евро маблағ сарфлади, айрим мамлакатлар эса кўмир электр станцияларини қайта ишга туширди.

WEF'нинг қайд этишича, «Ижтимоий ҳамжиҳатликка путур етиши ва жамиятнинг турли қутбларга ажралиши» рискининг таҳликалилиқ даражаси сўнгги йилларда ортиб

бормокда. Қолаверса, унинг чуқурлашишига бошқа бир қатор қисқа ва узоқ муддатли потенциал рисклар, жумладан, қарз инқироzi ва мамлакатдаги беқарорлик, яшаш харажатлари инқироzi ва инфляция, узоқ давом этган иқтисодий таназзул ва иқлим миграцияси кучли таъсир кўрсатган.

Бевосита ҳукуматнинг хатти-ҳаракатлари, инсон тараққиёти ва ижтимоий ҳаракатчанликдаги бўшлиқлар сабаб фуқароларнинг умидсизликка тушиши 2022 йилда тез-тез норозилик намойишларида ва тартибсизликларда ўзини намоён қилди. Хусусан, январь-октябрь ойларида 2021 йил давомида юз берганидан кўра кўпроқ норозилик намойишлари кузатилган.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятдаги қутбланиш ижтимоий ишончга путур етказди, айрим ҳолларда мафкуравий бўлинишдан кўра кўпроқ сиёсий элита ичидаги ҳокимият курашини акс эттиради. Бу охир оқибат таҳдид кампаниялари ва сиёсий зўравонлик, жиноятчилик, зўравонлик намойишлари ва ҳатто фуқаролар урушининг авж олишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, жамиятдаги ижтимоий ва сиёсий қутбланиш глобал рискларни ҳал қилиш учун муаммоларни жамоавий ҳал қилиш имкониятини пасайтириши эҳтимоли мавжуд.

Табиий ресурслар инқироzi геоиқтисодий қарама-қаршилиқлар, давлатлараро зиддиятлар, муҳим таъминот занжирларининг узилиши ҳамда яшаш харажатлари инқирозини келтириб чиқариши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Иванова К.В. Массовые беспорядки понятия и сущность – Москва. г 2017
2. Жубандыков Л.А. Причины массовых беспорядков. Пресечение и предупреждение массовых беспорядков – Москва. г 2016 125 ст.
3. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/02/22/global-risks/>
4. https://www3.weforum.org/docs/WEF_Global_Risks_Report_2023.pdf
5. <https://www.un.org/en/climatechange/net-zero-coalition>